

ШИМОЛИЙ ТОЖИКИСТОН ТОПОНИМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ЎЗМА ЁДГОРЛИКЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Мўмин Тўраевич ТУРДИБЕКОВ

Доцент

филология фанлари номзоди
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Шимолий Тожикистондаги баъзи топонимларнинг тарихий асарларда қўлланиши тўғрисида фикр юритилади ва бу жой номларининг ҳозиргача ўша даврдаги ҳолатда айтилиши, баъзиларининг маълум ўзгаришларга учраганлиги, тарихий асарларда баъзи жойларнинг флора ва фаунаси тўғрисида айтилган қимматли маълумотлар ёритилади.

Таянч сўзлар: топоним, Кўҳак суви, Ҳодарвеш, Сиёҳоб, Қузор, Хуқон, Дарбанди Оҳанин, Хўжанд суйи, Масихо, Барокўх.

ПРЕДСТАВЛЕНИЕ ТОПОНИМОВ СЕВЕРНОГО ТАДЖИКИСТАНА В ИСТОРИЧЕСКИХ ПИСЬМЕННЫХ ПАМЯТНИКАХ

Мумин Тораевич ТУРДИБЕКОВ

Доцент

кандидат филологических наук
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Эта статья дает представление о применении некоторых топонимов Северного Таджикистана в исторических трудах. Кроме того, наблюдается, что некоторые топонимы упоминаются в первоначальном виде, некоторые из них претерпели определенные изменения. В исторических трудах также встречается ценная информация о флоре и фауне некоторых мест.

Ключевые слова: топоним, вода Кохак, Ходарвеш, Сиехоб, Кузор, Хуқон, Дарбанди Оганин, Худжанд суйи, Масихо, Барукох.

Ер юзидаги деярли ҳамма нарсанинг ўз номи бор. Жуда қадим даврлардан бошлаб, инсонлар барча нарсаларни турли номлар билан атай бошлаганлар. Жумладан, океан, денгиз, дарё, қўлларни умумий тарзда “сув” деб, тоғ, тепалик, чўққи, қояларни “тепа” деб атаганлар. “Тоғ” деганда, баланд-паст, катта-кичик бўлишига қарамай умумий тарзда тоғ тушунилади. Қўл ҳам шундай умумий атама, турдош от. Бундай сўзларни исталган тилга

таржима қилиш мумкин. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида барча нарсаларни, шу жумладан, жой номларини ҳам алоҳида, ажратиб атай бошлайдилар. Бу ҳол кўп турдош отлардан атоқли отлар ҳосил бўлишига олиб келди. Атоқли от эса қандайдир бир нарсани, предметни, объектни билдиради ва одатда, таржима қилинмасдан ҳамма тилларда деярли бир хил ёзилади ва талаффуз қилинади. Масалан, Хўжанд деганда, Шимолий Тожикистондаги Сирдарё соҳилида жойлашган гўзал тарихий шаҳар тушунилади. Исфара дейиш билан Шимолий Тожикистоннинг кўҳна шаҳри, шу номли туман маркази кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шундай қилиб, топоним (географик ном) – аввало, сўздир. Бироқ у оддий сўз эмас, биринчидан, атоқли от. Айни вақтда кўпгина топонимлар маъноси, ҳатто, тилшунос олимлар учун ҳам мавҳум. *Хўжанд, Конибодом, Истаравшан, Исфара* каби номларнинг келиб чиқиши ҳақида қанча фикрлар билдирилган бўлса ҳам, уларнинг келиб чиқиши, этимологияси ҳамон мунозарали. Дарҳақиқат, турли географик жойларнинг атаб қўйилган номлари тарихимизга оид кўплаб тарихий, бадий, илмий манбаларда қайд этилиб келмоқда, улар орқали кўҳна тарихимиз, аجدодларимиз қарашлари ва қадриятларимиздан хабардор бўламиз, уларнинг замирида ўз ифодасини топган халқимиз тили, адабиёти, маданияти, руҳиятини янада теранроқ англаш имкониятига эга бўламиз.

Халқимиз ўтмиши, она тилимиз, маданият ва қадриятларимизни аجدодлардан–авлодларга беминнат етказиб келаётган бебаҳо тарихий, бадий ёзма ёдгорликлар борки, уларсиз бугунги ҳаётимиз, илм-фанимизни тасаввур қилиш анча мушкул. Шундай қомусий асарлардан бири “Бобурнома”дир. У халқимиз тарихи, ўзбек тили ва адабиёти, умуман, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг улкан ва бетакрор хазинасини ўзида мужассам этган манба. Хусусан, “Бобурнома” XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи, географияси ва этнографиясига доир қимматбаҳо материал берадиган қомусий асардир. Шу ўринда тадқиқотимиз объекти бўлган топонимлар

билан боғлиқ хосса ва ҳодисотнинг ушбу асарда ифодаланганлик ҳолатини кузатишга ҳаракат қиламиз. Профессор Ҳ.Ҳасановнинг таъкидлашича, “Бобурнома”да 1000 га яқин географик ном тилга олинган. Ўрта Осиёга доир номларнинг кўпчилиги ҳамон ўша даврдаги каби ёзилади ва талаффуз этилади: *Хўжанд, Конибодом, Исфара, Ўратена, Бадахшон, Ховос, Оқсув (Ўратена яқинида), Зомин, Қоратегин* ва ҳоказо.

Баъзи бирлари эса шаклан ўзгарган ҳолда етиб келган: *Марғинон – Марғилон, Рушдон – Риштон, Тошканд – Тошкент, Мўнуғил – Мўғул (тоғ), Кандибодом – Конибодом, Масихо – Масчо-Мастчоҳ, Кубо – Қува, Тирмиз – Термиз, Хўқон – Қўқон, Сиёҳоб – Сиёб, Қузор – Ғузор, Кармина – Кармана, Пашоғар – Пишағар* каби. Бир қанча жой номлари эса бутунлай бошқача номга ўз ўрнини бўшатиб берган: *Хўжанд суйи – Сирдарё, Барокўҳ – Тахти Сулаймон, Дарбанди Оҳанин – Темир Дарвоза (дара)* ва бошқалар. “Бобурнома”даги кўпчилик жой номларининг маъносини ўзбек ва тожик тиллари ёрдамида бемалол англаш мумкин.

Ҳозир Шимолий Тожикистондан бошланадиган Зарафшон дарёси “Бобурнома”да *Кўҳак суйи* деб берилган: “Бу сув била Самарқанд орасида бир пушти тушубтур. Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар”. *Кўҳак* тожикча сўз бўлиб, кўҳ – тоғ, -ак кичрайтириш аффикси, “тоғча”, яъни “тепалик” демак, ҳозир Чўпонота деб аталади.

Конибодом топоними билан боғлиқ айрим маълумотларни “Бобурнома”да ҳам кузатиш мумкин: “Мунинг тавобиндин *Кандибодом*дур. Агарчи қасаба эмас, яхшиғина қасабачадур. Бодоми яхши бўлур. Бу жихатдин бу исмға мавсумдир. Хурмуз ва Ҳиндустонға тамом мунинг бодоми борур. Хўжанддин беш-олти йиғоч шарқ тарафидадур. Хўжанд била Кандибодом орасида бир дашт тушубтур, Ҳодарвешға мавсумдур. Ҳамиша бу даштға ел борур. Марғинонғаким шарқидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким ғарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай, “Ҳо, дарвеш”, “Ҳо, дарвеш”де ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу

бодияни *Ҳодарвеш* дерлар“. Бобур *Ҳодарвеш* ва шу каби айрим жой номлари маъноси ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади.

Топонимист олим С.Қораев географик қонуниятларни билмай туриб, топонимларнинг этимологияси ҳақида фикр билдириш кўпинча хатоликни келтириб чиқариши мумкин деб, қуйидаги фикрларни билдиради: “... Кармана шаҳри дастлаб Бодияи Хурдак деб аталган. Буни Абу Бакр Наршахий кўзача деб изоҳлаган. Фикримизча, Бодияи Хурдак кичик сахро деган маънони билдиради. Чунки бодия сўзининг иккинчи маъноси дашт, сахро, чўл демакдир. Бундай дейиш учун асос шуки, биринчидан, Кармана шаҳри чўли биёбон ўровида жойлашган, худди шунингдек, Даштак номли қишлоқлари ҳам бор, иккинчидан, кўза сўзидан кўра чўл (дашт, сахро) термини топонимлар ҳосил қилиш ҳуқуқига эга”. Юқорида Бобур бобомиз томонидан келтирилган парчада, Суюн Қораев таъкидлагандек, бодия сўзи дашт маъносини англатиши янада ойдинлашади. Бобурномадаги бодияи *Ҳодарвеш*, *Ҳодарвеш* дашти ёки чўлига тўғри келади.

Исфара топоними тарихий ном сифатида ўз ўрнига эга, унинг топонимлик вазифада қўлланганлигини “Бобурнома” асарида ҳам кузатамиз: “Яна бир *Исфара*дур, кўхпояда воқеъ бўлубтур. Оқар сувлари, сафолик боғчалари бор. Марғиноннинг ғарби жанубидадур. Марғинон била *Исфара* ораси тўққуз йиғоч йўлдур. Мусмир дарахтиси бисёрдур, вале боғчаларида аксар бодом дарахтидур. Эли тамом сорт ва кўхийдур. *Исфаранинг* бир шаръисида жануб сари пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур, “Санги ойина” дерлар, узунлуғи тахминан ўн қари бўлғай, баландлиғи баъзи ери киши бўйи, пастлиғи баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойинадек ҳарнима мунъакис бўлур. *Исфара* вилояти тўрт бўлук кўхпоядур: бир *Исфара*, яна бир *Ворух*, яна бир *Сўх*, яна бир *Ҳушёр*. Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу *Сўх* била *Ҳушёр* кўхпоялариға келиб, бир *Йилга* ёвуқ танқислиқ била ўткариб, Қобул азимати қилдим”. “Бобурнома”да номлари зикр этилган *Исфара*, *Ворух*, *Сўх*, *Ҳушёр*

топонимлари тарихий номлар сифатида қайд этилган ҳолда айна даврда худди шу шаклда топонимлик мақомини давом эттираётган атоқли отлардир.

Бобур қомусий асарида *Ўратена* топонимига алоҳида урғу беради. Унинг олдинги даврлардаги номланиши ва китобларда қайд этилиши ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёзиб қолдиради: “*Хўжанд* ва *Ўратена*ким, асл буларнинг отлари китобларда *Усрушна*дур ва *Усруш* ҳам битирлар. *Хўжанд*ни баъзи доҳили Фарғона эмас дерлар. Султон Аҳмад мирзоким, Тошкандга мўғул устига черик тортиб, Чироуйиниким, Тошкандтин икки шаръий йўл бўлғай, бу сувнинг ёқасидаким шикаст топти, *Ўратена*да *Ҳофизбек* дўлдой эди, *Умаршайх* мирзоға берди. Андин бери *Усрушна* *Умаршайх* мирзо тасарруфида эди”.

Тарихий ёзма манбалардан бири “*Худуди олам*” асарида Сарушана (*Ушрусана*, *Усрушана*) – Туркистон ва Зарафшон тоғларида, ғарбда Нурота тоғларидан, шарқда Қурама тоғларигача бўлган ораликда жойлашган вилоят номи эканлиги қайд қилинади. Ҳозирги вақтда мазкур худудда жойлашган *Ўратена* туманининг маркази *Истаравшан* номи билан аталади. Шунингдек, ушбу асарда *Фаркас*, *Фарқ*, *Собот*, *Куркас* каби жой номлари Сарушана худудидаги шаҳарчаларнинг номи эканлиги, у худудларнинг экинзори ва аҳолиси кўплиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Аҳоли масканларининг қуйидагича номланганлиги ҳам қайд қилинган: *Фаркас* – *Вағат*; *Фарқ* (*Газак*) – *Газандарак*; *Сабат* – *Эски Савот*; *Куркас* – *Куркат*”.

Шунингдек, “*Худуди олам*” асарида ҳозирги *Ўратена* ўрнида қайд этилган қадимий шаҳар *Навнижкас* (баъзи манбаларда *Бунжикас*) деб аталгани ҳақидаги маълумотни ҳам учратамиз. Ушбу асарда ҳозирги *Панжикент* Самарқандга тегишли худуд сифатида тавсифланган: “*Варагсар*, *Банжикас* (*Панжикат*) – иккита шаҳарча. Самарқандга карашли, Бухоро дарёси бўйида жойлашган, сув тақсимлаш жойи ана шу *Варагсар*дир”.

Бобур *Хўжанд* топоними билан ифодаланган географик жойни атрофлича, асосли тарихий фактлар, ашёвий далиллар билан тавсифлайди: “Яна бир *Хўжанд*дур, *Андижон*дин ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдур.

Хўжанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур, қадим шахрлардиндур. Шайх Муслихиддин ва Хожа Камол Хўжандтиндурлар. Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур. Анори яхшилиққа машхурдур. Нечукким, “себи Самарқанд” дерлар, ва “анори Хўжанд” дерлар. Вале бу тарихда Марғинов анори кўп ортуқдур. Қўрғони баланд ерда воқеъ бўлубтур. Сайхун суйи шимол жонибидин оқар. Қўрғондин дарё бир ўқ отими бўлғай. Қўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубтур. Мунуғил отлиқ, дерларким, бу тоғда фируза кони ва баъзи конлар топилур. Бу тоғда бисёр йилон бор.

Хўжанднинг флора ва фаунаси ҳақида ҳам “Бобурнома”да фактик материаллар берилган. “Хўжанднинг овлоғи ва қушлоғи бисёр яхшидур. Ок кийик, буғу-марал, кирғовул ва товушқони кўп бўлур. Ҳавоси бисёр мутааффиндур, кузлар безгак кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, чупчук безгак бўлғондур. Дерларким, хавосининг тааффуни шимолдағи тоғ жиҳатилиндур”.

Ўратепа шаҳри географик жиҳатдан тоғлар орасида жойлашган бўлиб, ёзнинг иссиқ пайтида ҳам ҳавоси салқин бўлади. Шу сабабли, ҳозир Ўратепада кўплаб дам олиш масканлари жойлашган. Хўжанд шаҳрида эса аксинча, қишин-ёзин иссиқ ҳаво ҳукмронлик қилади. Абдураззоқ Самарқандийнинг асарида ҳам кузатувимиздаги айрим топонимлар билан аталган географик жойлар қайд қилинганлигини кузатамиз. Жумладан, *Ўратепа*, *Хўжанд* топонимлари тарихий воқеликлар тафсилотини бериш жараёнида ўша даврларда ҳам подшоҳлар ёзда Ўратепа яйлоқида яшаганлари, қишда эса Хўжанд яқинидаги қишлоқда яшаганлари тўғрисида маълумот олиш мумкин: “Онҳазратнинг (ўзи эса) Ўратепа яйлоқини ҳумоюн манзил қилиб олди”. Ҳозирги “яйлов” деб юриталаётган тополексема дастлаб “ёзлақ” кўринишида бўлиб, фонетик ҳодисага учраган. ёзлақ-яйлақ-яйлоқ-яйлов. Шунингдек Мирзо Улуғбекнинг Хўжанд яқинида қиш фаслига мўлжалланган яшаш маскани борлиги ҳақида ҳам Абдураззоқ Самарқандий куйидаги ўринда берилган маълумотдан билиш мумкин бўлади... Шундай

килиб, Мирзо Улуғбек муҳаррам ойининг бошларида Хўжанд яқинидаги кишлоқ юртидан, юқорида айтиб ўтилганидек, доруссалтана Самарқандга етди. Ҳозирги вақтда “қишлоқ” деб қўлланаётган тополексема дастлаб қишлав кўринишида бўлиб, фонетик ҳодиса туфайли қишлоқ кўринишини олган. Қишлав-қишлақ-қишлоқ. Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, подшоҳлар қиш мавсуми учун алоҳида жойлар қурдириб уни “қишлоқ юрти” деб номлаган эканлар.

Абдураззоқ Самарқандий Сирдарё гидронимини бир саҳифанинг ўзида икки хил – Хўжанд суви ва Сайхун (Сирдарёнинг арабча номи) каби номлар билан атаганини кўрамиз. “...Жаноб Мағисуддин Мирзо Улуғбек ўн еттинчи муҳаррамда Хўжанд сувининг соҳилида Шохрухия рўбарўсида ҳумоюн саропардасини тиклади. Жабборберди Чингиз ўғлонни қувиб Ўзбек улусини бўйсундирганлиги ҳақида Хоразм томонидан хабар келди. Мирзо Улуғбек қайтиш тараддудини кўриб, Сайхунга кўприк боғлади ва сафар ойининг охирларида Самарқандга етди”.

Бу манбалар орқали тарихда кечган баъзи жаҳоншумул воқеалар тўғрисида ҳам маълумот олиш мумкин бўлади... “Сўнг ҳумоюн байроқ офтоби ўз давлат соясини Хўжанд вилояти устига ташлади. (Бу ерда) амир Худойдод воқеасидан кейин мирзо Халил Султоннинг нигоҳбонлари иттифоқлашиб Ало қалъа томонига жўнаганликлари ва амир Худойдоднинг ўғли амир Абдулхоликқа бориб қўшилганликлари хабари шуҳратли кулоқларга эшитилди”. Манбалардан кўринадики, топонимлар тарихий давр маҳсули, ижтимоий-сиёсий воқеликларнинг даракчиси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этиб келади.

Шунингдек, “Абдулланом” асарида ҳам Шимолий Тожикистон топонимиясида алоҳида ўрин эгаллаган Хўжанд, Ўратепа, Шаҳристон каби жой номлари тилга олинади ва топонимнинг тарихийлик хусусиятини кўрсатиб туради. Айниқса Хўжандни энг катта шаҳарлар сирасига киритиб, қуйидагича таърифлайди. “Хусусан: (Унинг) тупроғи-тупроқларнинг энг

хушбўйи. (Катта) шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Хўжанд (бўлиб), халқи диндор, илмлик, тақводор, жувонмард ва шижоатлидир”. Асарнинг кейинги саҳифаларида Сирдарё дарёси бошқа тарихий асарлардагидек, Хўжанд суви, Сайхун эмас, балки ҳозиргидек Сирдарё тарзида келтирилганлигини кўрамиз... “Сирдарё(нинг) бўйида, Хўжанд яқинида ҳазрат эшоннинг, унга Тангрининг раҳмат ва розилиги бўлсин, биродарлар: Султон Аҳмад мирзо, Умаршайх мирзо ва Маҳмуд мирзо ўртасида бўлган ихтилофларни бартараф қилиш қиссаси юз берди”. “Бу воқеа юз бергандан сўнг, Искандар мартабали хон аркон давлатларнинг илтимосига кўра, қайтиш жоловини тортиб Ўратепа қишлоқлари ичидан машҳури бўлган Шаҳристонга юрди”. Қайдлардан маълум бўладики, Шаҳристон деб юритилган жой ўша даврда Ўратепа шаҳри таркибида бўлган қишлоқ бўлган, бу топоним ҳозир Шимолий Тожикистон ҳудудидаги туманнинг номи сифатида хизмат қилмоқда. Бу географик объектнинг жойлашиш манзили, олдинги даврда Панжикент деб номланганлиги ҳам манбадан маълум бўлади: “Шаҳристон – Ўратепадан 25 км чамаси жануброқда жойлашган қишлоқ. X асрда Панжикент (Бунжикент) аталган.

Юқоридагилардан кўринадикки, тилнинг бойлиги сифатида қайд қилинадиган атоқли отлар, хусусан, географик жой номлари бугунги ҳаётимиз ва қадриятларимизни, тилимиз ва маданиятимизни унинг ўтмиши билан боғлаб туради, тарихдан сабоқ беради, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига яқинлаштиради. Ҳар бир номда тарихнинг кичик бир зарраси ўз аксини топади. Жой номлари ҳам бизни ўтмиш билан боғлайди. Халқнинг тарихи, турмуш тарзи, маданияти, қарашлари, урф-одати, касб-кори, хўжалик фаолиятига оид маълумотлар жой номларида сақланиб қолади. Юқорида келтирган мисолларимиз, айрим жой номларининг изоҳи бунга ёрқин далилдир. Жой номлари халқ ақл-заковатининг маҳсули, маънавий қадриятларнинг ажралмас қисмидир. Афсуски, Шимолий Тожикистондаги кўплаб тарихий номлар ижтимоий тузум тақлиқларининг қурбони бўлмоқда.

Жойга номни халқ беради. Ҳар қандай ном кишилар ижодининг, тафаккурининг маҳсули. Уни борича, ўз ҳолича асраш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Соч., Т.3. – Москва: Наука, 1965. – 229 с.
2. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома /Нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Тошкент: ФАН, 2002. – 367 б.
3. Кастанье И. Древности Ура-Тюбе и Шахристана. // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей архелогии. Год XX, вып. 1.(11 декабря 1911 г. –11декабря 1912 г.). – Ташкент, 1915. – 17 с.
4. Самарқандий, Абдураззоқ. Матла-ус-саъдайн ва маджма-ул-бахрайн. / Масъул мухаррирлар А.Каюмов, Муҳаммад Али. Уз ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин- ти. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – 632 б.
5. Қораев С. Топонимика ва тарихий география /Жой номлари халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси: республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 1998. – Б. 99-100